ЧИМҚЎРҒОН ВА АМУ-БУХОРО—РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 78 (12.431)

Сешанба, 2 апрель 1963 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СУРХОН ВОДИЙСИДА КАТТА ТАНТАНА

*** ЧИМҚЎРҒОН СУВ ОМБОРИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ * БУ ЙИЛ 60 МИНГ 500 ГЕКТАР ЕРГА СУВ ЧИҚАРИЛАДИ * БУХОРОЛИКЛАР СЕВИНЧИ ЧЕКСИЗ * АМУ БУХОРОЛИКЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ * ЧИМҚЎРҒОН ВА АМУ-БУХОРОНИНГ АЗАМАТ ҚУРУВЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!**



Чимқўрғон сув омборининг кўриниши. И. Глауберзон фотоси.

ЧИМҚЎРҒОН ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

ЧИМҚЎРҒОН, 1 апрель. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан телефон орқали**). Собиқ Қамаши районидаги марказига яқин жойдаги Чимқўрғон сув омбори — республикадаги энг йирик гидротехника иншоотларидан бирини қуриб битказилганига бағишланган тантанага областнинг ҳамма районларидан вакиллар келди. Ҳаммаёқ байрамдагидек безатилган. Бу ерга йиғилган пахтакорлар, чорвадорлар, совхоз ишчиларининг ҳаммаси шоду-хуррам.

Сув тўғонининг қоқ марказидаги минора олдида ясатиб қўйилган минбар ҳамманинг диққатини ўзига жалб этади. Кундуз соат ўн иккию-ю, ўттиз минут. КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, республика Министрлар Советининг раиси К. Курбонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова, область партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги илғорлари ва бошқа ўртоқлар минбарга чиқадилар.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ф. Шамсиддинов митингни очади.

Митингда биринчи бўлиб сўзга чиққан Чимқўрғон қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ А. Шчербаков қурувчиларнинг рапортини ўқиб берди.

Сўнгра Ўртоқ Шчербаков улкан гидротехника иншооти қурувчиларининг меҳнат жасорати ҳақида ҳикоя қилди:

— Қурилишимизни дўстлик қурилиши деб атасак тўғри бўлади, — деди у. — Чимқўрғон қурилишида руслар билан ўзбеклар, озарбайжонлар билан татарлар, латишлар билан грузинлар, қозоқлар билан туркманлар ва турли миллат вакиллари кўлни-кўлга бериб, бир оила фарзандидек меҳнат қилдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати катта муваффақият билан якунланди. Омборнинг чуқурлиги 33 метр, сатҳи 50 квадрат километр бўлиб, айланаси қарийб 80 километр майдонни ташкил этади. Сув омбори тўғонининг узунлиги 7,5 километр. Ҳозир омборда 180 миллион кубометр сув бор. 1 Майгача баҳорги тошқин — сел сувлари ҳисобига жамғариладиган сув миқдори 300 миллион кубометрдан ошади. Ҳозир сув чиқариш минорасидаги дарвоза орқали секундига 70 кубометр сув оқиб ўтяпти. Бу миқдорни 350 кубометрга қўпайтириш ҳам мумкин. Чимқўрғон сув омбори ёрдами билан шу йилнинг ўзида 60 минг 500 гектар қақраб ётган ерларга сув берилади.

Машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлиги 8 ярим процентга оширилди. Шунинг натижасида давлатнинг 1 миллион 140 минг сўм маблағи тежаб қолинди. Сув омборидаги ишчиларнинг 90 процентдан кўпроғи махсус мутахассисликка эга бўлдилар. Бу ерда 600 дан ортиқ турли касбдаги механизаторлар тайёрлаб чиқарилди.

Митингда сўзга чиққан Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм йўли» колхозининг раиси ўртоқ С. Шоймардонов тўлқинланиб гапирди.

— Биз асрлар оғир орзу қилиб келган умидимизга бугун эришаяпмиз. Неча юз йиллардан бери ковжираб, ҳансираб ётган унумдор Қарши даштларини гуллаб-яшнайдиган вақт келди. Бунинг учун КПСС Марказий Комитетига, пахтакорларнинг энг яқин дўсти Никита Сергеевич Хрушчевга чин қалбимиздан миннатдорчилик изҳор этамиз. Чимқўрғон суви туфайли колхозимиз меҳнаткашлари «одам бормас» массивидан 600 гектар ер ўзлаштирдилар. Ҳўжалигимиз 1962 йилда 1 минг 40 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» кўтардилар. Кам сувли 1961 йилга нисбатан гектар бошига 9 центнердан кўп ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалик артелимиз пахтакорлари 1963 йилда Чимқўрғон берадиган сувга умид боғлаб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар. Биз яқин 4-5 йил ичида суғориладиган ерларни 3 минг гектарга етказамиз ва пахтанинг ялпи маҳсулотини 10 тоннадан оширамиз.

Косон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Р. Эшонқулов партия ва ҳукуматимиз томонидан пахтакорлар учун қилинаётган катта ғамхўрликдан хурсанд бўлиб гапирди. У КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисидаги қарорини куни кеча эшитиб беҳад қувонган эдик. Бугун яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Чимқўрғон сув омборининг ишга тушириши Косон ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз-совхозлар ҳаётида айниқса қувончлидир. Эндиликда биз яқин 3—4 йил ичида Қарши даштларидан 12-15 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш имкониятига эга бўлдик.

Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи Чори Мардонов янги сунъий денгиз сувидан фойдаланиб, бу йил гектаридан 32 центнердан пахта етиштириш учун қурашаётгани ҳақида завқланиб гапирди.

Шунингдек, митингда Чимқўрғон сув омбори скреперчилари коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Бобоназар Эшонқулов, область автотрестининг бошлиғи Окульшин ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқлар ҳам нутқ сўзладилар.

Митинг катнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига, Ўртоқ Н. С. Хрушчевга баланд руҳ билан табрик хати қабул қилдилар.

Митингдан сўнг ҳаммаёқда мусика ва ашула садолари янграйди. Инсон иродаси билан яратилган янги сунъий денгизнинг мовий сувлари митинг катнашчиларини олқишлаётгандай майин жимирлайди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов тўғон дарвозасидаги лентани қирқади. Чимқўрғон суви янги каналлардан колхоз-совхоз далалари сари пишқириб йўл олади.

Тантаналардан кейин меҳнаткашларнинг шодиёнаси узоқ вақтгача давом этди.

Меҳнат зарбдорлари

Қурилишнинг биринчи кунидаёқ Чимқўрғонга келганман. Қурилиш билан бирга кишиларнинг қандай ўсиб-улғайганини ўз кўзим билан кўрдим. Сув омбори қуриши ҳамма касбдаги кишилар учун маҳорат мактаби бўлди. Менинг жуда кўп автомобилчи дўстларим бу ерда янги касб ва ҳунарларни эгалладилар.

Биз ўз ҳунаримиз — шоферлик касби билан фахрланишга ҳаққимиз. Бирор қурилишни транспортсиз тасаввур қилиш мумкинми? Йирик қурилишларда шофернинг меҳнати муҳим роль ўйнайди. Қурилишга қум, шағал, тупроқ, цемент, бетон, ёғоч ташиб беришда бизлар бошқарган машиналар сон-саноқсиз йўл босди. Фақатгина 1962 йилда автомашиналар билан қарийб 3 миллион кубометр тупроқ ташилиб, тўғонга тўкилди.

Шоферлардан Зайнак Ҳафизов, Тўра Улашев, Холбўта Қўлдошев, Эшмўмин Тоғаев, Турсун Йўлдошев, Қўлдош Шодмонов ўртоқлар коммунистик меҳнат зарбдорлари деган фахрли унвонга сазовор бўлдилар.

Р. МЕЛИЕВ, шофер.

ДЎСТЛИК ҚУРИЛИШИ

А. ШЧЕРБАКОВ,
Чимқўрғон сув омбори қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

□ □

Партия ва ҳукуматимиз 1956 йилда Чимқўрғон сув омборини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Қашқадарёда тўғон қурилиб, у ерда 500 миллион кубометр ҳажмдаги сувни тўплаш кўзда тутилди.

Етти километр узунликдаги улкан тўғонни қуриш учун 7 миллион кубометр тупроқ, 100 минг кубометрга яқин бетон ва темир-бетон тўғонга етказилиши, бир қатор гидротехника иншоотлари қурилиши керак эди. Бу — катта бир сунъий тоғ барпо этиш демакдир.

Шу мақсадда 1957 йилда Чимқўрғон қурилиш-монтаж бошқармаси тузилди. Сув омбори қурилишига дастлабки йилдаёқ 40 скрепер 10 бульдозер, 23 экскаватор, 250 автомашина берилди. Қурилишнинг биринчи йилида собиқ Қамаши, Қарши ва бошқа районларнинг механизаторлари катта мадад кўрсатдилар.

Биз сув омбори қурилишини дўстлик қурилиши деб атаймиз. Бу йирик иншоотни қуришда рус билан ўзбек, қозоқ билан туркман, грузин билан озарбайжон, арман билан татар бир оға-инидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилдилар. Чимқўрғон сув омборида йигирмадан ортиқ миллат фарзанди бир сила аъзосидек аҳил бўлиб, фидокорона ишлади.

Қурилиш-монтаж бошқармасининг инженер-техник ходимлари қурилишнинг бутун даври давомида ишчиларнинг малакасини оширишга, уларнинг янги касбларни эгаллашга яқиндан ёрдам бериб келдилар. Бу ерда меҳнат қилган ишчиларнинг 20 процентдан кўпроғи махсус мутахассисликка эга бўлдилар. Қурилиш коллективи мамлакатимизнинг бошқа районларида барпо этилаётган улкан гидротехника иншоотлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб борди, улар билан илғор тажрибаларни ўртоқлашди.

Сув омбори қурилишида механизаторлар қилган меҳнат бебаҳодир. Улар бетончи, дурадгор ва арматурачиларга йўл очиб бердилар. Қурилиш пойдеворига биринчи бўлиб кўл урган Орол Пардаев, Эгамназар Мойсиев, Бобоназар Эшонқулов каби ўнлаб ажойиб кишилар ҳозир моҳир мутахассис бўлиб етишдилар. Вадим Брацлавский ва Хабир Йўлтиев сингари инженер-механизаторлар раҳбарлик қилган экскаваторчилар бригадалари юз минглаб кубометр тупроқ ишларини бажардилар.

Тўғон қурилишида дурадгорлар, бетончилар қилган ажойиб ишларни гапирмай ўтиб бўлмайди. Айниқса дарё тошган пайтларида, сел келганда ҳам уларнинг жон куйдириб қилган меҳнати сира эсимиздан чиқмайди. Улар ўжар сув билан курашда доим голиб чиқдилар. Бетончилардан Обрай Бегимқулов, Ўрол Пардаев, Султон Сафиев, Очил Пардаев, Теодар Новицкий, дурадгорлардан Оққўзи Хушатов, Исмат Боймуродов, арматурачилардан Чоршанби Бозоров, Ҳаҳит Эштемиров ва бошқалар вақт билан ҳисоблашмай, виждонан ишладилар.

Қурилиш ишларининг суръати ва ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди. 1958 йилда тўғонга 834 минг кубометр тупроқ тўкилган бўлса, 1959 йилда бир миллион 989 минг, 1962 йилда эса 1,5 миллион кубометрдан ортиқ тупроқ ташиб тўкилди. Ўтган йили сентябрь ойида коллективимиз аъзолари улуғ байрам — Октябрнинг 45 йиллиги шарафига янги, оширилган мажбурият олдилар. Бизнинг бу ташаббусимизни область партия комитети маъқуллади.

Биз берган ваъдамизни муваффақият билан бажардик. Қурувчиларимиз тўғон иншоотини қисқа вақт ичида қуриб битказиш учун курашиб, кейинги 5-6 ой мобайнида 364 минг кубометр тупроқни тўғонга ётқиздилар, 68 минг кубометр ҳажмдаги бетон ишларини бажардилар. Ер казиш техникасидан унумли фойдаланишимиз туфайли меҳнат унумдорлиги 30 процентга оширилди.

Ҳозир Чимқўрғон сув омбори қурилишида ҳамма ишлар тўла тугалланди. Бу ерда 500 миллион кубометр сув жамғариш имконияти яратилди. Кўпчилик механизаторларимиз ўз механизм ва машиналари билан Пачкамар ва бошқа ирригация иншоотлари қурилишига кетдилар.

Чимқўрғон сунъий денгизининг тўла фойдаланишга топширилиши туфайли 20 минг гектардан ошиқ пахта майдонини сув билан нормал таъминлаш имконияти туғилди. Бундан ташқари 59 минг гектарга яқин шартли суғориладиган ерларда ҳам мўл-кўл пахта ҳосили етиштирилади.

Дўстлик қурилишининг коллективи янги сунъий денгизнинг тўла қуриб битказилганлиги ҳақида она-Ватанга зўр хурсандчилик билан рапорт берадилар.

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛЛАР

И. БУЗРУКОВ,
Қарши ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

□ □

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларини бир текис ривожлантириш ва ҳосилдорликни тинмай ошириш вазифасини қўйди. Пленум қарорларида табиат стихияларига ва қурғоқчиликка қарши курашга асосий эътибор берилган. Сувга таянқис районларда йирик ирригация иншоотлари қуриш бу ишларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

Чимқўрғон сув омбори ана шундай улкан гидротехника иншоотларидан бири бўлиб, Сирхондарё областининг Қашқа дарёси водийсида жойлашган колхоз ва совхозларни сув билан таъминлашда ҳамда бу воҳада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда порлоқ истиқболлар очиб беради.

Чимқўрғон сув омборининг қурилиши бутунittифоқ зарбдор комсомол қурилишига айланиб кетди. Бу ерда кўп миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, бир-бирларига кўмаклашдилар. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати муваффақиятли тугалланди. Сув омбори қурилиши тамомланди. Бу сунъий денгизда ҳозир 500 миллион кубометр ҳажмда сув жамғариш мумкин. Чимқўрғон суви бу йил Қашқадарё водийсидаги колхоз ва совхозларнинг далаларига оқади, илгари гиёҳ унмаган 50 минг гектарга яқин ерларда «оқ олтин» етиштириш мумкин бўлади.

Чимқўрғон сув омбори қурилиши бошланмасдан олдин, 1955 йилда собиқ Қамаши районида 7371 гектар ерда пахта етиштирилиб, унинг ялпи ҳажми 7.138 тоннани ташкил этган, ёки ҳар гектар ердан 9,7 центнердан ҳосил олинган эди.

1960 йилда сув омборининг биринчи навбат қурилиши ишга туширилиб, 80 миллион кубометр сув тўпланганч, Қамаши зонасидаги хўжаликлар 8.200 гектар ерга чигит экдилар, гектаридан 15,8 центнердан хирмон кўтардилар, давлатга 13.036 тонна пахта сотдилар. Колхозларнинг пул даромадлари уч баравар кўпайди.

Ери Чимқўрғон сув омбори зонасига тушган икки колхоз янги ерларга кўчиб чиқди: Ленин номли колхоз пахтакорлари Жомбўз массивини ўзлаштиришга киришдилар. Чўлда обод ва кўркам посёлка бунёдга келди. Электростанция, медпункт, ўрта мактаб, болалар боғча ва яслиси, ёғғи клуб ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда чорвачилик бинолари қурилди.

«Партия XXII съезди» колхозининг аъзолари эса Окровот массивидаги дашт ерларни ўзлаштирдилар. Бу ерда ҳам янги типдаги колхоз посёлкаси барпо этилди.

Шундай қилиб, Чимқўрғон суви туфайли Жомбўз ва Окровот массивларини ўзлаштириш ҳисобига янги ерларни ишга солиш кенг кўламда олиб борилди. Янги ерларга кўчиб чиққан иккита колхозни сув билан таъминлаш мақсадида 39 километр узунликдаги ўнг қирғоқ канали қурилди. «Коммунизм йўли» колхозининг ерларини суғориш учун 22 километр узунликдаги чап қирғоқ каналлари ишга солиш кенг кўламда олиб борилди. Янги ерларга кўчиб чиққан иккита колхозни сув билан таъминлаш мақсадида 39 километр узунликдаги ўнг қирғоқ канали қурилди. «Коммунизм йўли» қишлоқ хўжалик артелининг 800 гектар пахтазорлари ва 240 гектар янги ўзлаштирилган ерлари сувга кондирилди. Сув таъминоти яхшиланганлиги натижасида пахта ҳосилдорлиги жиддий равишда ўсди. Бу колхоз ўтган йили областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини оширib бажарди. Ҳар гектар ердан 22 центнердан хирмон кўтарилди.

Шундай қилиб, Чимқўрғон сув омбори бераётган оби ҳаёт туфайли биргина собиқ Қамаши района территориясидаги хўжаликлар пахта ҳосилдорлигини 1955 йилга нисбатан 1,7 баравар кўпайтирдилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўрта ҳисобда 17-18 центнерга етказилди.

Чимқўрғон сув омборининг тўла қувват билан ишга туширилиши туфайли Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги кўпчилик хўжаликларга жуда катта истиқбол очилди. Энгельс номли, «Коммунизм» колхозларида ва Ленин номли совхозда минглаб гектар янги унумдор ерлар ўзлаштирилада. Каналларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш йўли билан Ленин номли, «Партия XXII съезди», Фрунзе номли ва «Коммунизм йўли» колхозларида шу йилнинг ўзида 2000 гектар янги ер ўзлаштирилиб, чигит экилади.

Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар бу йил она-Ватанга 30 минг тонна пахта, 5450 тонна ғўшт, 6300 тонна сут, 3 миллион 560 минг дона тухум, 131,5 тонна пилла, 20.400 дона қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бериш учун курашмоқдалар.

Бу улуғвор вазифаларни бажаришда Чимқўрғон сув омбори қурувчиларининг қўшадиган ҳиссаси бебаҳодир.

ЭКСКАВАТОРЧИЛАР ҲИССАСИ

Бизнинг бригадамиз экскаваторчилари бир неча йилдан бери қурувчилар мусобақасида голибликни қўлдан бермай келмоқдалар. Биз 1962 йил планининг сентябрь ойидаёқ 116 процент адо этиб, йил охиригача пландан ошиқча 100 минг кубометрдан знёд тупроқ қазиб бердик.

«Э-2001» электро-экскаваторимиз экипажининг машинисти Николай Мартненко, унинг ёрдамчилари Рустам Аҳмадиев ва Марат Самакаев ўртоқлар улкан қурилишдаги барча қийинчиликларни муваффақиятли енгидилар. Бригадамизнинг ҳамма аъзолари бу шарафли ва масъулиятли ишда чиниқдилар, бир-бирларига дўст, кўмакдош ва ўртоқ бўлиб қолдилар. Шу сабабли бизнинг бригадамизга қурилишда биринчилар қатори коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. Экипажимиз [illegible] топшириқ-

ТРАКТОРЛАР КАРВОНИ

Тошкентдаги Ўзбекистон трактор йиғув заводи коллективи дала механизаторларига деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган машиналар етказиб бермоқда.

Завод ишчилари шу йил биринчи кварталда пландан ташқари 69 трактор, 12 ўзиюрар шасси ишлаб чиқаришди.

С. ТУЛАЕВ.

СУРАТДА: «Т 28х2» маркали тракторлар жўнатишга тайёр қилиб қўйилибди. Йиғувчи слесарь К. БЕРКАТОВ (чапда) энг сўнгги деталларгача қўздан кечирялти. Биринчи цехнинг старший инженери Б. АЛИЕВ унинг ишини кузатмоқда. Ўнгда: йиғувчи слесарь С. БЕЛОВ.

А. Абалян фотоси.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР АҲДИ

ХОНКА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Пахта тозалаш заводи коллективи кун сайин янги зафарларга эришмоқда. Корхонада биринчи квартал планига қўшимча анча маҳсулот тайёрланди. Заводнинг Машариф Ражабов, Иброҳим Қозоқов ўртоқлар бошлиқ бригадалари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашиб, ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ошириб бажармоқдалар. Улар нуқул юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан коллективдагиларга намуна бўлаётирлар.

Пахта тозаловчилар баҳор байрами — 1 Май шарафига социалистик мусобақа бошлаб юбордилар. Улар ярим йиллик планни байрам кунигача бажаришга аҳд қилдилар. Бу ташаббусга Хева, Гурлан пахта тозалаш заводлари коллективлари ҳам қўшилдилар.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Янгийўл станциясининг темир йўлчилари квартал планини ортиги билан бажариб, 3000 тонна халқ хўжалиги юки ортиб жўнатдилар. Вагонларнинг бекор туриши анча қисқарди.

Темир йўлчилар 7 йилликнинг бешинчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун қўшимча мажбурият олиб, Салор станцияси коллективини мусобақага чақирди.

Н. УРИНБОЕВ.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛМОҚДА

Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпминг кишилик коллективи 1963 йилда давлатга пландан ташқари 40 тонна калава, 800 минг метр хом сурп ва 800 минг метр тайёр газлама бериш мажбуриятини олган эди.

Иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиб, энг илғор иш усулларини қўлланаётган тўқимачилар йил бошиданоқ ажойиб ютуқларга эриша бошладилар. Кейинги икки ой мобайнида планга қўшимча равишда 63,2 тонна калава, 687 минг метр хом сурп, 515 минг метр тайёр газлама ва 529 минг галтак ип ишлаб чиқарилди.

Тўқимачилар етти йилликнинг бешинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

А. ВАЛИЕВ.

Ўзбекистон хотин-қизлари III съезди олдидан

КАМАЛАК

Қумрихон опа Шаҳрихонсойга тикилди. Ботаётган қуёшнинг лоларанг нури сув юзида ўйнарди. «Эртага ҳаво очиқ бўлади», ўйлади жувон.

Аммо у янглишган экан. Баҳор хавоси бекарор эмасми, эрталабдан осмонни булут қоплаб олди. Қумрихон опа сой ёқалаб бир чакирим чамаси юқорилаб борган ҳам эдики, шатирлатиб ёмғир қуйиб берди.

Қумрихон опа жун рўмолни бўйни аралаш ўраб олди-да, югуриб кетди... Мана, унинг участкаси. Текис қилиб ҳайдалган шудгор тилимланган жигардек ялтираб кўринади. Участканинг бу чеккаси — янги ер. Шу қиш 4 гектар бедазор пахта даласига қўшиб юборилди. Янги ер ниҳоятда кўлади. Юқори ҳосил олиш қийинроқ. Лекин ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ. Қумрихон опа янги ерни энди кўраётганн йўқ. Шудгорлаш ва шўрни ювиш, яхоб бериш ва ўғит чиқариш ўз вақтида, меёри билан ўтказилса, ҳосилдорлик ошаверади. Ерга меҳр қўйган кишигина юқори ҳосил олиш сирларини билиб олади.

Яқин атрофдан эшитилган хушчақчақ овоз Қумрихон опани чўчитиб юборди. У ўгирилиб қаради — трактрчи Юнусали Тўрақулов билан Мўйдинжон Йўлдошев кулиб туришарди.

— Мўйдинжон дўпписини қўйнига уриб олганини кўриб менам этигимни кўлтиклаб югурмоқчи эдим-у, оёғимга ачиндим... Юнусали этигидаги лойни сидириб ташларкан, дўстига тегажоғлик қилди.

— Шу жалада баққа келмасангиз ҳам бўларди, Қумрихон опа! — опанинг бўкиб кетган уст-бошига қараб Юнусалининг юраги ачишди.

— Ўзингиз нега келдингиз? — деди Қумрихон опа майин жилмайиб.

— Э, шу топда уйда ўтириб бўладими! Қайси деҳқон ҳаво ёғяпти деб бекор ўтирарди!

— Ёғяпти!—деди Мўйдинжон булутлардан ергача тортилган ёмғир тўрига тикилиб. — Майли, ўғит шимилсин, ернинг томир-томирига сингиб кетсин... 200 тонна фосфорит, гектарига 9 тонадан гўнг... Чакки эмас-а?!

Қумрихон опа кўзларини хиёл қисиб жилмайди:

— Рост, ер — хамир, ўғит — хамиртуруш.

Ёмғир қандай бошланган бўлса шундай тез тинди. Булутларни у ёқ-бу ёққа суриб қуёш мўралади.

Қумрихон опа тракторчиларнинг кетидан илдам бораркан, янги участкага яна бир қайирлиб қаради. Заранг сўқмоқ қатиқ тўқилгандек оқариб қолибди. Дала нур қўйнида жилоланади. У қадрдон далаларга суқланиб тикиларкан, бир воқеа ёдига тушиб кетди: 1961 йили 11-бригадада гектаридан 20 центнердан ҳосил олинди. Бригада колхозда энг охирги ўринга тушиб қолди. Бунга сабаб қилиб ернинг камҳосиллигини айтишганда Қумрихон опа чидаб туролмади.

— Йўқ, — деди у колхозчиларнинг умумий йиғилишида, — ернинг яхши-ёмони бўлмайди. Фақат қуит ва чидам билан ишлаш керак. Ҳаммаси деҳқоннинг ғайратига боғлиқ. Колхоз правлениеси рухсат берса, шу бригадага ўтаман.

Қумрихоннинг тажрибали деҳқон эканини ҳамма билса-да, ҳосилдорликнинг бир йилда икки ҳисса оширилишига кўпчилик ишонмади. Аммо Қумрихон опа ўз ишига ишонч билан киришди. Кузда ёқ келгуси йил ҳосили учун пухта замин тайёрлаб қўйди. Трактрчи Юнусали Тўрақулов билан Мўйдинжон Йўлдошев 72 гектар майдонни яхшилаб ҳайдашди, Қосимжон Мирзаев билан Акбарали Рустамов гектарига 11 тоннадан гўнг ғоладилар, фосфорит бердилар.

Чигит текис униб чиққанида бригадир Қумрихон опа ҳам, бригада аъзолари ҳам ўз меҳнатларининг илк самарасини кўриб, беҳад қувондилар. Энди комплекс механизациялашган бригаданинг барча 25 аъзоси баравар ҳисса қўшди. Колхоз бўйича бир центнер пахтанинг таннархи 19 сўм 61 тийин бўлган бўлса, бригада бу рақамни 16 сўмга туширди. Бригада ҳар гектар ердан колхозларга нисбатан 12,5 центнердан кўп ҳосил кўтарди.

Бу йил бригада аъзолари пахта майдонини янги ерлар ҳисобига кенгайтириб 76 гектарга етказишди. Қумрихон опа бу йил гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» олишга ваъда берганида ҳам шу 25 азаматга суянди.

Колхозчилар яна ишонч билан ишга киришдилар. Февраль ойининг бошидаёқ барча участкаларга яхоб берилди, ўғит чиқарилди.

Улар колхоз правлениеси биносига етиб келишганида вақт кечга яқинлашиб қолган эди. Қумрихон опа ҳар куни кираверишда кўриб ёд бўлиб кетган ёзувни қайтадан ўқиди: «Андижон область, Москва ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номли колхоз». Ҳа, бу унинг колхози, бу унинг оиласи. Бу ерда уни — шу оддий ва меҳнатсевар онани ҳамма танийди. Колхозга келиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бригадир Қумрихон Рустамова ким, деб сўраб ўтиришга, танимайдиганлар бормикан?

Қумрихон опа бахтиёр жилмайиб қўйди. Бирдан осмонда зиё ўйнади. Бир учи Шерқўрғон қишлоғига, бир учи Асакага қадалган камалак ҳавога бекасам поёндоз ёзди. Камалак... Демак, эртага ҳаво очиқ бўлади, индинга эса селялкалар ишга тушади...

Ў. ҲОШИМОВ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитетида

ЎҒИТНИНГ ҲАР ЦЕНТНЕРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети ўғитларни сақлаш, ташиб олиш ва улардан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қараш фактлари тўғрисидаги масалани қараб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

Қарорда айтиладики, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган энг муҳим умумпартиявий ва умумдавлат вазифасини — етти йилликнинг бешинчи йилида дон тайёрлашни 4,2-4,5 миллиард пудга етказиш вазифасини муваффақиятли амалга оширмоқ учун ҳар бир колхоз ва ҳар бир совхозда ўғитлардан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев РСФСРдаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарларининг ва бошқарма бошлиқларининг шу йил март ойида ўтказилган кенгашида сўзлаган нутқида **«...ўғит бўлмаса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксак даражага кўтариш мумкин эмас»,** деб таъкидлаган эди.

Қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан юксалтириш манфаатлари ҳар бир центнер ўғитни гоят эҳтиёт қилиб сақлаш ва ундан ўз вақтида фойдаланишни талаб этади.

Аммо, фактлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигининг кўпгина ходимлари партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигида ўғитлардан фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бузмоқдалар. Партия-давлат контроли органлари ҳозирги вақтда кенг жамоатчиликнинг иштироки билан колхоз ва совхозларнинг кўклам экиш ишларига тайёргарлигини текшириш рейдларини ўтказмоқдалар, шунингдек халқ хўжалиги юкларининг қандай сақланаётганлигини ва бу юкларнинг темир йўл станцияларидан, дарё ва денгиз портларидан қандай жўнатилаётганлигини текширмоқдалар. Рейдларнинг қатнашчилари — партия-давлат контролига ёрдам берувчи группалар, «комсомол прожектори» отрядлари, матбуот темир йўл станцияларининг ўзидагина 500 минг тоннадан кўпроқ ўғит тўпланиб қолганлигини хабар қиладилар. Бу ўғитларнинг талайгина қисми очиқ жойда узоқ вақт сақланганлиги сабабли, ўзининг қимматли хоссаларидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Ўғитларни жўнатиш ва улардан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қараш фактлари Озарбайжон ССРда, Киров, Калинин, Орёл областларида ва бошқа бир қанча областлар ҳамда республикаларда учраб турибди. Калуга областида ўғитларни сақлаш ва жўнатиш соҳасида айниқса ташвишли аҳвол рўй берди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Комсомол прожектори» марказий штаби сигналлари бўйича Комитет томонидан ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланди: областдаги темир йўл станцияларида 1963 йил 20 мартгача 45 минг тонна ўғит [illegible]

Комитет Калуга область қишлоқ хўжалик ходимларининг ўғитларга нисбатан ана шундай хўжасизлик билан, давлат манфаатларига хилоф суратда муносабатда бўлишларига асло йўл қўйиш мумкин эмаслигига эътиборни жалб этади. Калуга областида ўғитларни айниқса ардоқлаш керак, чунки бу областдаги тупроқ кучсиз, унинг таркибида кислота моддаси кўп, шу сабабли ўғит солмай туриб, яхши ҳосил етиштириб бўлмайди. Областдаги кўп колхоз ва совхозлар барча қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин жуда кам ҳосил олаётганликлари тасодифий бир ҳол эмас. Масалан, 1962 йилда областда ҳар гектар ердан ўртача ҳисобда 5,9 центнер дон, 75 центнер силосбоп маккажўхори, 28 центнер картошка, 60 центнер молга едириладиган қанд лавлаги, 1,8 центнер узун толали зиғирпоя етиштирилди.

Лекин шунга қарамай, областдаги баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, область «Сельхозтехника» бирлашмаларининг ходимлари иш учун жон куйдирмаётирлар, ҳосилни ошириб, кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилмаётирлар. Улар минг-минг тонналаб ўғитлар бузилиб, яроқсиз ҳолга келаётганлигига бепарво, томошабин бўлмоқдалар. Ҳолбуки, ана шу ўғитларни тайёрлаш учун ишчиларнинг кўп меҳнати, талайгина маблағ ва қимматли ҳом ашё сарф қилинган. Область ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, «Сельхозтехника» бирлашмалари ва Москва темир йўлидаги айрим раҳбарлар ўғитларни ўз вақтида жўнатиш, эҳтиёт қилиб сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш ўрнига бюрократизм йўлига ўтиб олганлар, ўтакетган даражада сансалорлик қилмоқдалар, бир неча ойлар мобайнида бир-бирларига қуруқ хат ёзиш билан овора бўлмоқдалар, жамоатчилик ва матбуотнинг сигналларини назар-писанд қилмаётирлар ва турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўғитларни ўз жойига жўнатмаётирлар.

Спас-Деменский колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Мичурин номли совхоз директори Ўртоқ Смутининг айби билан бирнеча ойлар мобайнида қарийб икки минг тонна торф-аммиак компостлари ташиб олинмаган, холбуки совхоздаги ҳосил областда энг паст даражада қолиб келмоқда. Ўтган йили совхозда ҳар гектар ердан 2,4 центнер дон, 29 центнер картошка, 29 центнер силосбоп маккажўхори пояси олинган; бир йил ичида кўрилган зарар 370 минг сўмга етган.

Областдаги партия ва совет органларининг раҳбарлари ўғитларни ташиб олиш ва улардан фойдаланишга нисбатан масъулиятсизлик билан қаралганлигидан хабардор эдилар. «Сельхозтехника» Калуга бирлашмаси, область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси, шу [illegible]

маган ва темир йўл изларн яқинидаги омборлар учун участкалар ажратиб берилмаган, ўғитларни ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш чоралари кўрилмаётир.

Ўғитларни ўз вақтида ташиб олиш, сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун жуда муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлигини эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети республика, ўлка ва область партия-давлат контроли комитетларига, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларидаги комитетларга, колхоз, совхозлардаги, «Сельхозтехника» бирлашмаларн ва темир йўл станцияларидаги партия-давлат контролига ёрдам берувчи группалар ва постларга колхоз ва совхозларнинг ўғитларни мумкин қадар кўпроқ жамғаришларини, уларни ўз вақтида далага чиқариб, тупроққа солишларини ва бу билан шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни кескин суратда оширишларни қатъий контроль қилиб туришни топширди.

Бу ишни ташкил этганда, шуни асос қилиб олиш керакки, ҳозир фурсат кутмаётир. мамлакатнинг кўп районларида кўкламги экиш бошланди ва ўғитларни ташиб олиб, тупроққа солиш вазифаси дарҳол амалга оширилиши зарур бўлган вазифадир.

ВЛКСМ Марказий Комитети минерал ва органик ўғитларни ташиб олиш юзасидан комсомол-ёшларнинг зарбдор ойлигини ўтказишга қарор қилди. Комитет жойлардаги партия-давлат контроли органларига ана шу катта ва муҳим ишда комсомол ташкилотларининг ҳар томонлама мадад ва ёрдам кўрсатишини топширди.

Комитет Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари Ўртоқ П. М. Кожевников ва Умумроссия «Россельхозтехника» бирлашмаси раиси Ўртоқ С. В. Шевченконинг нотўғри хатти-ҳаракатига эътиборни жалб этди. Улар ўғитларни сақлаш, ташиб олиш ва улардан фойдаланишга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада муносабатда бўлиш тўғрисидаги кўп фактлардан хабардор бўлганлари ҳолда, бундай ҳолларга муросасозлик билан қараб келганлар, ана шу фактларга жиддий эътибор бермаганлар ва камчиликларни йўқотиш учун қатъий чоралар кўрмаганлар.

Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси ва Умумроссия «Россельхозтехника» бирлашмасига ҳукуматнинг «Сельхозтехника» район бирлашмалари ва бўлимлари ҳузурида ўғитларни колхоз ва совхозларга ташиш бўйича ва омборлар ҳамда бостирмалар қуриш бўйича механизациялаштирилган отрядлар ташкил этиш тўғрисидаги топшириқларини сўзсиз бажариш учун чоралар кўриш, омбор ва майдончаларда тартиб ўрнатиш, «Сельхозтехника» бирлашмалари база ва омборларига ҳамда темир йўл станцияларига келтириладиган ўғитларнинг авайлаб сақланишини таъминлаш таклиф этилди.

СССР Йўллар министрлиги темир йўл станцияларида ўғитларни ва оҳак унини туширнб олиш ва бир жойга тўплаб қўйишда қисқа вақт ичида тартиб ўрнатиши, ўғитларни бўшатиб олиш учун майдончалар ва темир йўл яқинидаги омборлар учун участкалар ажратиб бериши, шунингдек ўғитларни бўшатиб олишни ва уларни колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа хўжаликларнинг транспортига ортишни енгиллаштирадиган зарур механизмлар ажратиб бериши лозим.

Комитет ўз қарорида Калуга область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштириш ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ А. В. Гусеев ва «Сельхозтехника» область бошқармасининг раиси Ўртоқ В. С. Зарубин ўзларига нисбатан ва ўз қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанликни бўшаштирганликларини қайд қилди. Ўғитларни ташиб олиш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга масъулиятсизлик билан қараганликлари учун А. В. Гусеева ва В. С. Зарубинга қаттиқ виговор эълон қилинди. Комитет уларнинг, ўғитларнинг сақланиши, ўз вақтида ташиб олиниб, далаларга чиқариб солинишини таъминлаш учун керакли ҳамма чораларни кўрамиз ва шу тариқа қаттиқроқ жавобгарликка тортилишга сабабчи бўлмаймиз, деган гапларини маълумотга олди.

Комитет шуни қайд қилдики, «Сельхозтехника» Спас-Деменский бўлимининг раиси Ўртоқ В. И. Мамуркин ва Мичурин номли совхозининг директори Ўртоқ Н. А. Смутин ўғитларни ташиб олиш ва улардан фойдаланишга совуққонлик ва бепарволик билан қараганликлари сабабли, хўжаликка зарар етказдилар, ўзларини ёмон раҳбар сифатида кўрсатдилар ва улар суд жавобгарлигига тортилишга лойиқдирлар. Аммо, улар ўз айбларини англаганликларини ва текширшш давомида рўй берган аҳволни тузатиш чораларини кўрганликларини эътиборга олиб, комитет В. И. Мамуркин ва Н. А. Смутинни вазифаларидан бўшатиш билан чекланиш мумкин, деб топди.

САТРЛАР

Яқинда Тошкентдаги 10-ишчи ёшлар мактабининг ўқувчилари шоир Уйғун билан учрашдилар.

Учрашув мароқли ўтди.

М. БУТАЕВ.

Ўқишни амалий тажриба билан қўшиб олиб бораётган Самарқанд кооператив техникумининг III курс студентлари ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш учун республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига жўнаб кетдилар.

Т. СУЯРОВ,
Ж. ТУРСУНОВ,
Қ. ХОЛИҚОВ.

Сўнгги почтадан

«ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўтган якшанба — 31 март сонининг иккинчи саҳифаси ана шундай сарлавҳа билан очилади. Унда Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «III Интернационал» колхозининг аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга галла сотиш тўғрисида»ги қарорини зўр ватанпарварлик ва мамнуният ҳисси билан қутиб олганликлари, маза шу ғамхўрлик туфайли бу коллектив хўжалик 1963 йилда қанча қўшимча даромадга эга бўлиши ҳикоя қилинади.

Кенг тармоқли бу йирик хўжалик 1090 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан бу йил 30 центнердан ҳосил кўтаради, пахтанинг ялпи ҳосили 3270 тоннага етади. Агар етиштирилган бу пахта эски нархлар билан сотиладиган бўлса 1 миллион 24 минг сўм даромад олинган бўларди. Янги нархлар бўйича колхоз қўшимча равишда давлатдан 234 минг 459 сўм пул олади.

— Ўтган йили, — дейди колхоз раиси Ниёзмат Нишонбоев, — гўштни харид қилиш нархи оширилганлиги ҳаммамизнинг эсимизда. Хўжалигимиз бир йил ичида чорвачиликдан қўшимча равишда салкам 20 минг сўм даромад қилди. Мана энди пахтанинг харид нархлари ҳам оширилди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг оталарча қилаётган ғамхўрлигининг яна бир исботидир.

Саҳифада колхоз экономикасининг ўсиши конкрет рақам ва фактлар асосида анализ қилиб берилади. хўжалик раҳбарларининг ва ишлаб чиқариш илғорларининг фикр-туйғулари чиройли ибораларда ифода қилинади.

Механизаторлар хатлари изидан

ЧОРА КЎРИЛДИ

Самарқанд область, Пастдарғом районидан олинган бир хатда район марказидан 10 километр узоққа жойлашган Чўқаймуш қишлоғида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаганлиги, касалхона, туғруқхона йўқлиги ва бу ҳақда, район, область ташкилотларига қилинган шикоятлар натижасиз қолаётгани айтилган эди.

Бу ҳақда район ижроия комитетидан қуйидаги жавоб олинди:

— Хатда келтирилган фактлар тўғри. Аҳолига медицина хизматини яхшилаш учун Чўқаймуш участкасида колхозлараро касалхона қурилмоқда. Ҳозирча бу участкадаги меҳнаткашларга иккита фельдшерлик пункти хизмат кўрсатмоқда.

ХОТИНБОЗ

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ударник» совхозидаги Киров номли 6-мактабнинг ўқитувчиси Ғ. Лапасов рафиқаси Ойсора Файзиевани учта фарзанди билан кўчага ҳайдаб, 18 ёшли Х. исмли қизга уйланди. Орадан кўп вақт ўтмай бу аёлни ҳам, характери тўғри келмади, деб жавобини бериб юборди. Ҳозир эса Қаршибоева деган аёлни қармоғига илинтирди. Бу аёлларнинг биронтаси билан ҳам ЗАГСдан ўтмади. Наҳотки, бундай шахсларга қонуний чора кўрилмаса.

Редакцияга келган бу хат юзасидан Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети текшириш ўтказди. Текширишда хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Ахлоқий бузуқлиги учун Ғ. Лапасов ишдан олинди.

ПУЛЛАР ЭГАЛАРИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Андижон шаҳридаги 37-қурилиш билим юрти дурадгорлик группасининг мастери Одил Исломов ичкиликка берилиб кетган. Дурадгорлик асбоблари олиб бераман, деб ўқувчилардан йиққан пулларни ҳам ичиб юборди. Эндиликда уларнинг ойлигидан чўтал чиқаришга ҳам уринмоқда. Бу ўқувчиларнинг ҳунар ўрганишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Редакцияга келган шу мазмундаги хат юзасидан Андижон шаҳар партия комитети текшириш ўтказди. Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Одил Исломов вазифасидан бўшатилиб, у ўзлаштириб юборган пуллар эгаларига қайтариб берилган.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ЧИГИТ СЕЯЛКАСИНИ ҚАНДАЙ СОЗЛАШ КЕРАК?

Яхши созланган чигит сеялкаси ҳамма сошникларда уруғликнинг баравар чуқурликка тушишини таъминлайди, қатор ораларининг кенглиги бир хил бўлади. Бу эса ғўзани кетмонсиз парвариш қилишнинг муҳим шартидир. Тўғри созланган сеялкалар билан чигит экилган майдонларда ҳимоя зонасини жуда оз қолдириб, ўсимликка зарар етказилмаган ҳолда культивация қилиш мумкин бўлади. Ҳосили машинада терилганда, пахта кўп тўкилмайди.



1-расм.

Сеялка иш органларини рихтовка қиладиган ричаг.

Чигит сеялкаларини созлаш учун Ўрта Осиё Механизациялаш ва электрлаштириш институтида яратилган «ПС-56» шаблони республика саноати томонидан бир неча юз дона ишлаб чиқарилди. Бундай мосламалар «Узсельхозтехника» область базалари орқали хўжаликларга юборилди. Бу шаблон ёрдамида сеялкаларнинг сошникларини, загартачларини, прикаткаларини, эгат олгичларини ва бирлаштирувчи заклепка (9) қаршисига ўрнатиладиган Маркерларни (10) ўрнатиш учун мослама шнур (11) билан таъминланган, бу шнур сеялка ишлатилаётган вақтда бурчакларга (4) мустаҳкамланган илмоқларга (12) илиниб бириктирилади. Сеялканинг ўқини тўғри ўрнатиш учун мослама координаторлар (13) билан таъминланган.

Секциялар бир-бирлари билан телескопик шарнирлар (15) ёрдамида бирлаштирилади. Шарнирларнинг бундай конструкцияси қатор оралари турлича бўлган сеялкаларни битта мослама билан созлаш имконини беради. Мосламани сақлаш ва бошқа жойга олиб бориш осон бўлиши учун уни тахлаш керак. Секциялар трубкаси ичига кирувчи телескопик шарнирларнинг штангаларида тўрттадан ҳалқасимон айланма чизиқ ва учтадан ҳалқасимон риска бор. Ҳалқасимон ўйма чизиқларга штангаларни секция грубкасида мустаҳкам тутиб турадиган стопорлар (16) кириб туради.



2-расм.

маркерларини 45,50 ва 60 сантиметрли қатор оралиғига мослаб тўғри жойлаштириш мумкин.

«ПС-56» шаблонини олмаган хўжаликлар ўз кучлари билан конструкцияси қуйида баён этиладиган оддий ёғоч шаблон — «ШСД-63»ни ясашлари мумкин. Бу, сеялкаларнинг қатор ораларини 60 сантиметрли қилиб созлашга имкон беради.



3-расм.

«ПС-56» мосламасининг тузилиши

«ПС-56» мосламаси йиғма рамадан иборат. Мосламанинг ҳар бир секциясида (биринчи расм) нуқталар бўлиб, сеялкаларнинг ишчи органлари ана шу нуқталарга қараб ўрнатилади. Масалан, сошник (3)ни ўрнатиш учун рама (2), загартач (5) ларни ўрнатиш учун икки бурчак (4), прикатка (7)ларни ўрнатиш учун пўлат тахта (6) бор. Эгат олгич (8) шарнирлар штангасини бир-бири билан



А. А. чизиғи бўйича.

1. Эгат олгич ўрнатилади.
2. Прикатка ўрнатилади.
3. Прикатка ғилдираги ўрнатилади.
4. Маркер ўрнатилади.
5. Сошник ўрнатилади.
6. Шаблоннинг ўрта қисми.
7. Сошник учун таянч.
8. Шнур маҳкамланадиган михлар.

4-расм.

Сеялка иш органларини «ПС-58» мосламаси ёрдамида созлаш

Сеялканинг иш органларини созлаш учун у текис майдонга қўйилади. Сеялканинг иш органлари домкрат ёрдамида кўтарилади ёки йўлда юриш ҳолатига келтирилади. Мослама белгиланган қатор оралиғига созланади ва шундан сўнг сеялканинг иш органлари остига қўйиб кўрилади. (2-расм). Координаторнинг стойкалари (13) осма сеялкаларнинг зинаси ёки тиркалма сеялкаларнинг спицаси бурчакларига нисбатан симметрик қилиб жойлаштирилади. Сошникларни сеялка брусига мустаҳкамланадиган кронштейнлар хомути гайкаси бўшатилиб, сошниклар мосламанинг иккинчи рамасига тўғриланади. Шундан сўнг гайкалар маҳкамланиб, мослама шаблонлари (2) сошникларнинг (3) орқа учига тегиб турадиган қилиб ўрнатилади. Сеялканинг иш органлари мослама устига туширилади. Прикатканинг тортиш рихтовкаси пўлат тахта (6)га нисбатан симметрик қилиб ўрнатилади. Загартачлар (5) бурчакларнинг горизонталь ва вертикаль токчаларига тегиб туриши керак.

Маркерларни созлаш учун илмоқларга (12) шнурни (11) илиб қўйиш керак. Шнурнинг учта узели бўлиб, сеялка маркерлари диски шу узелларга қараб ўрнатилади. Қатор оралари кенглигини 60 сантиметр қилиш учун илмоқдан (12) узелгача бўлган оралиқ 1440 миллиметр бўлиши керак. 6 қаторлаб экадиган сеялкаларда 45 ва 50 сантиметрли қатор оралиғи учун илмоқ билан узел ораси 1.515 ва 1.690 миллиметр бўлади.

Созлаш давомида сеялка остидаги мосламанинг тўғри турганлигини координатор орқали кузатиб бориш керак.

Сеялканинг иш органлари созлаб бўлингач, у яна кўтарилади ва мослама чиқариб олинади.

«ШСД-63» шаблонининг тузилиши

«ШСД-63» шаблони ёғоч рамадан иборатдир. (4-расм). Рама узунасига икки ва кўндалангига тўрт брус билан маҳкамланган бўлади. Олдинги брусга тўртта пўлат тахта ўрнатилади ва булар сеялка сошникларига таянч хизматини ўтайди. Маркерни керакли узунликда созлаш учун шаблон ичига огир нарса осилган шнур билан таъминланади. Шнур пўлат тахта ёнига қоқилган михга тортиб қўйилади. Шаблоннинг ўртаси олдинги брусда кесма билан белгилаб қўйилган. Кўндаланг брусларда уруғликни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкаларнинг тупроқни қотириш ғилдираги жойланишини текшириш учун ўйма қилинган бўлади. Орқа брусда прикаткалар ва эгат олгичларни жойлаштириш учун ўймалар қилинади.

4-расмда кўрсатилган рақамлар катор оралиғи 60 сантиметрли тўрт қаторлаб экадиган сеялкани созлаш учун шаблон ясашга мўлжалланган Бруслар «А. А.» чизиғи бўйича бир-бирига қулф-калит қилиб маҳкамланади ва мих қоқиб қўйилади. Сошниклар учун таянч қалинлиги 5 миллиметрли пўлат тахтадан кўрсатилган ҳажмда ясалади ва олдинги кўндаланг брусга еттита мих билан маҳкамланади. Шнурлар чўзилмайдиган материалдан тайёрланади. Шнур учига осиладиган юк токарлик станогида тайёрлаб ўртаси тешилади.

«ШСД-63» шаблони билан сеялкани созлаш

Сеялкани «ШСД-63» шаблони билан мослаганда шаблоннинг ўртаси сеялканинг ўртасига тўғрилаб ўрнатилади. Бунинг учун осма шнур сеялканинг узунасига ўрнатилган ўқига боғланади. Уруғликни уяларга белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялкаларнинг узунасига ўрнатилган ўқи ўртасида тешиги бор, қолган сеялкалар ўқининг ўртасини белгилаш учун ҳар икки томони ўлчаб чиқилади.

Сошниклар олдинги брус бўйлаб жойини алмаштириш йўли билан шаблоннинг кўндаланг брусларини сошникларнинг узунасига ўрнатилган тахталари орасига жойлашадиган қилиб ўрнатилади. Шаблон сошникларнинг орқа ўйилмаси таянчига яқинлаштириб қўйилади. Иш органлари шаблон устига туширилиб, уларнинг тўртинчи расмда кўрсатилган белгиларга мувофиқ тўғри жойлашганлиги текширилиб кўрилади. Прикаткалар орқа брусдаги ўйилмаларга симметрик қилиб жойлаштирилади. Аниқ экадиган сеялкаларнинг тупроқни қотириш ғилдираклари шаблоннинг кўндаланг брусдаги ўйилмаларига тўғрилаб ўрнатилади. Загартачлар кўндаланг брусларга симметрик қилиб маҳкамланади. Сеялка остида шаблоннинг тўғри жойлашганлигига ишонч ҳосил қилингач, осма шнур олинади ва унинг ёрдамида маркерлар созланади.

Чигитнинг сифатли экилишини таъминлаш учун сеялканинг қолган узелларини ҳам пухта созлаш талаб қилинади.

Р. ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги Механизациялаш ва электрлаштириш бошқармасининг старший инженери.

И. ЛЕСНЯК,
«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси Янги техника бошқармасининг старший инженери.

Л. ШВАРЦМАН,
О. СЕМИН,
Ўрта Осиё Механизациялаш ва электрлаштириш институтининг илмий ходимлари.

Олам да нима гап

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ ҲУЖУМЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

ГАВАНА, 31 март. (ТАСС). АҚШ марказий разведка бошқармаси томонидан Куба территориал сувларида совет савдо кемаларига қароқчилик ҳужумлари ташкил этилганлигини Куба меҳнаткашлари революцион бирлашмасининг ижроия комитети қаттиқ қоралямоқда.

Ёлланувчиларнинг шайкаларини ташкил этиб, уларни пул, ҳарбий материаллар билан таъминлаётган, контрреволюцион шайкаларнинг кемаларига тўп-замбараклар ўрнатиб бераётган ҳамда уларнинг территориямизда жосуслик қилиш билан шуғулланишларига имконият бериш ва Куба билан савдо-сотиқ қилаётган ҳамда биз билан савдо ва дипломатик муносабатларни давом эттириб турган дўст мамлакатларга бизнинг молларимизни етказиб бераётгай қуролсиз савдо кемаларини ўққа тутишга имконият бериш мақсадида шу шайкаларни осмондан туриб ҳимоя қилишни таъминлаётган АҚШ ҳукумати қароқчиларнинг бу ҳаракатлари учун тўғридан-тўғри жавобгар деб, бош министр Фидель Кастронинг айтган гапларини,—дейилади баёнотда, — Куба меҳнаткашларининг революцион бирлашмаси тўла равишда қувватлайди».

Баёнотда айтиладики, контрреволюционерларнинг ва марказий разведка бюросининг жиноятчи қотиллар шайкалари қароқчилик ҳужумлари қилмоқ учун АҚШ территориясидан базалар сифатида фойдаланмоқдалар.

Куба меҳнаткашларининг революцион бирлашмаси бутун дунёдаги ишчи ташкилотларини бу қароқчилик ҳаракатларини қоралашга чақиради.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ НУТҚИ АНГЛИЯДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрущевнинг партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида 8 мартда сўзлаган нутқи тексти Лондонда брошюра қилиб чиқарилди. Брошюра «Совет адабиёти ва санъатининг буюк кучи» деган ном билан нашр этилди.

ОЗОД МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ

ГАВАНА, 31 март. (ТАСС). Гаванада «Озод меҳнат» выставкаси очилди. Куба меҳнаткашлари революцион бирлашмасининг ижроия комитети ва мамлакатдаги 25 касаба союз томонидан ташкил этилган бу выставкани Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос очди.

Куба ишчилари, инженерлари ва техниклари яратган саноат ва қишлоқ хўжалик машиналари, аппаратлар ва асбоблар, турли металл, химия буюмлари ва бошқа буюмлар, запас қисмлар выставканинг 25 павильонида кўргазмага қўйилган.

Плакатлар, диаграммалар ва фотографиялар ҳам Куба меҳнаткашларининг маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Куба жамоатчилиги выставкага гоят қизиқмоқда.

ОТПУСКА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Париж районида 750 минг металлист қаттиқ ва давомли қураш натижасида ҳар йили бериладиган ва иш ҳақи тўланадиган отпуска муддатининг узайтирилишига эришди. Металлистларнинг бу ғалабаси меҳнат министрлигида имзоланган расмий битимда қайд қилинди. Шундай қилиб, Франциядаги ҳамма металлистларнинг ярмидан кўпроқ қисми отпуска муддатини узайтириш ҳақидаги ўз талабларининг қондирилишига эришди. (ТАСС).

ГВАТЕМАЛАДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ

НЬЮ-ЙОРК, 31 март. (ТАСС). ЮПИ агентлигининг хабар беришича, Гватемалада ҳарбий тўнтариш қилинган. Армия Идигорас Фуэнтесни мамлакат президенти лавозимидан олиб ташлаган. Мудофаа министри Перальта Асурдиа ҳукумат бошлиғи бўлган. Мамлакатда конституцион гарантиялар тўхтатиб қўйилган.

КУБАНИНГ ИШИ—ЛАТИН АМЕРИКАСИДАГИ ҲАММА ХАЛҚЛАРНИНГ ИШИ

РИО-де-ЖАНЕЙРО, 31 март. (ТАСС). Латин Америкасининг Куба билан бирдамлик конгрессининг охирги мажлисида конгресс делегатлари якдиллик билан «Америка халқларига мурожаат» қабул қилдилар. Мурожаатда Кубанинг мустақиллик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, империалистларнинг «Озодлик ороли»га нисбатан маккарона режаларини барбод қилиш учун бутун куч ва ғайратни бирлаштиришга даъват этилади.

Биз, Латин Америкаси қитъасидаги халқларнинг вакиллари, дейилади мурожаатда, Кубанинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашувига йўл қўймаслик мақсадида ҳамма мамлакатларда Куба билан актив ва конкрет бирдамликни дарҳол кучайтириб юбориш зарурлигини муҳокама қилмоқ учун бу ерда, Рио-де-Жанейро штатида тўпландик...

Биз Куба ишларига ёки бошқа бирор мамлакат ишларига аралашишга ҳеч кимнинг, айниқса мамлакатларимиз ва халқларимизни азалдан эксплуатация қилиб келган агрессорларнинг ҳақи йўқ деб ҳисоблаймиз.

Биз Кубага ҳужум қилинишига, унинг блокада қилинишига, уни яккалаб қўйиш мақсадидаги ҳар қандай уринишларга халқият бериш учун ҳамма иш формаларидан фойдаланишга чақирамиз. Биз Куба халқининг Фидель Кастро эълон қилган «беш модда»да кўрсатилган қонуний талабларини тантана қилиши учун курашга чақирамиз. Биз Карибдаги денгизидаги қардош республика билан дипломатик муносабатларни сақлаш ва тиклаш учун кураш олиб боришга чақирамиз...

Муросасизлар СИГНАЛИ

ЎТМАС МАТО

Бизда бахмал камзилга талаб катта. Аёлларимиз бу хил енгил, бежирим кийимни мақтаб олишади. Аммо кейинги сафар келтирилган камзилларни кўриб, харидорларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Нега десангиз, камзилларнинг этаги бир-бирига қовушмайди, тугмалари эса дуч келган жойга қадалган, енги тор. Бир кифти кенг, бошқаси қисқа.

Бу «антиқа» камзилларни ким тиккан, дерсиз. Улар Бухоро шаҳридаги «Партия XVI съезди» тикувчилик фабрикасида тайёрланган. Корхона бракчилари юборган 80 дона қимматбаҳо камзил ўтган йилнинг декабрь ойидан буён ўтмас мато бўлиб ётибди.

Наҳотки, фабрика коллективи сифатсиз кийим-кечак тикиб, уни харидорга юборишга уялмаса?

Ш. БЕКМУРОДОВ,
Кегайли район Халқобод посёлкасидаги 2-магазин директори.

ҚАРОРЛАРНИ ПЕШ ҚИЛИБ

Улфатбиби қишлоғи бекиёс ўзгариб кетди. Шундай бўлса ҳам, бу қишлоқ марказидаги ошхона, чойхона, новвойхона, озиқ-овқат магазини нобоб, пастқам бинюларга жойлашганича қолиб келяпти. Шунинг учун ҳам бу ерларда озодалик ва гигиенага риоя қилишдан дарак йўқ. Магазин тор, ошхона эса зах.

Ғиждувон район матлубот жамияти правлениеси ва унинг райси ўртоқ Нусрат Саидов типовой ошхона ва чойхона, новвойхона ва магазин бинолари қуриш тўғрисида кўп марта қарор қабул қилди-ю, аммо бу қарорларнинг ижроси кўринмаяпти. Қачонгача қишлоқ аҳолисининг ҳақли талабига қарорларни пеш қилиш билан қутулиш мумкин?

Я. ТУРМУҲАМЕДОВ,
ўқитувчи.

БИТМАЁТГАН ЙЎЛ

Ўтган йилнинг апрель ойида Марғилон шойи комбинатининг цехларидан чиқит сувларни шаҳардан четга оқизиш учун марказий кўча бўйлаб, тўрт километрли қувур ётқизилган, равон асфальт йўл кавланиб, бузилган эди. Қувур ётқизилгач тупроқ уюмларини нари-бери текисланди-да, шу ҳолича ташлаб қўйилди. Бир йилга яқинлашиб қолганига қарамай, йўл қайта асфальтланган йўқ. Оқибатда транспорт қатнови қийинлашиб қолди.

Шаҳар маъмурияти ва йўл қурилиши бошқармаси бу кўчани тузатишни ўйламаётганга ўхшайди.

И. ҚУЗИБОЕВ,
хизматчи.

АРТЕЗИАН ҚУДУҒИ КЕРАК

Биз «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг 2-бўлимида яшаймиз. Совхозимиз марказида ва 2-бўлимда артезиан қудуғи бор. Бу қудуқларнинг суви посёлка маҳаллаларига қувур орқали тарқатилган. Аммо ана шу сувдан ташиб ичиш учун маҳалламиз узоқ.

Шунинг учун совхоз раҳбарларидан маҳалламиз аҳолиси учун алоҳида артезиан қудуғи қазиб беришни ёки ичимли сувни совхоз марказидан алоҳида цистерналарда ташиб беришни илтимос қилиб, неча марта мурожаат қилдик. Афсуски, бу талабимиз инобатга олинмаётир. Натижада сув ташиш учун кўпинча оилада бир киши банд бўлиб қолмоқда.

Наҳотки, шундай катта имкониятлар мавжуд бўлган совхозда бундай аҳволга бефарқ қаралса.

Совхоз ишчилари номидан:

Х. НУРМАТОВ, Ж. РАЖАБОВ, Б. АҲАДОВ, М. НОРОВ, Е. ДОНИЕРОВ ва бошқалар.
Сирдарё область, Киров райони.

Суратда: марказий «Пахтакор» стадионида ўйин пайти.
А. Абалян фотоси.

ФУТБОЛ

„ПАХТАКОР“ НЕГА ЮТҚАЗДИ?

Футбол бўйича мамлакат чемпионати ёндигина бошланди. Шунинг учун ҳар қандай команданинг ҳам биринчи ўйинидан катта хулосалар чиқариш, биринчи мағлубият бутун мавсум давомида салбий из қолдиради, деган фикрга бориш нотўғри бўлади, албатта. Биринчи мағлубият қандай юз берди, команда аъзолари қандай ўйнади, команда чемпионатга қандай тайёргарлик билан келди, ишқибозларни биринчи ўйини билан қурсайд қилдими? Шунга ўхшаш саволларга жавоб ахтариш, ана шу саволларнинг туб моҳиятини топиш керак.

0:1. Бу футболда катта ҳисоб эмас. Аммо, икки очко қўлдан кетди деган гап. Бу ҳисоб командаларнинг юзини, ўйин техникасини, футболчиларнинг ҳаракати ва бир-бирларига муносабатини белгилаб бермайди. Худди шундай ҳисоб билан ҳар томонлама кучли, команда ҳам ютқазиб қўйиши, жуда муҳим ва зарур бўлган икки очкони қўлдан чиқариб юбориши мумкин.

Хўш, «Пахтакор»нинг биринчи ўйини ва «Шахтёр»нинг биринчи галаба тўғрисида нима дейиш мумкин?

Бу саволларга жавоб қидириб ўтирмайлик, хулосалар ясамайлик, балки «Шахтёр»нинг хонасига кирайлик, уларнинг хурсандчилиги, қаҳқаҳаси, ширин ва самимий суҳбатига шерик бўлайлик. Меҳмонлар бир-бирларини самимий табриклашар, ягона тўп автори Сапроновни ўраб олишиб унинг қўлини қисишарди. Хонага старший тренер Олег Ошенков кириб келди. У барча футболчиларни бирма-бир табриклаб чиқди. Биз ўртоқ Ошенков билан суҳбатлашдик.

— Ўйин ҳақида, командангиз ҳақида нима деган эдингиз?

— Очигини айтганда, ўйин шиддатли бўлди. Тўғри, пахтакорчиларнинг сафида Тазетдинов билан Абдурахимовнинг йўқлиги билиниб турди. Марказий ҳужумчи Ан тажрибасизликданми ёки ҳаяжонданми ўз вазифасини бажара олмади. Ҳимоячи Моторин бир неча марта хатоларга йўл қўйди. Бизнинг командамиз эса ҳамжиҳатлик билан ўйнади, футболчиларимизнинг ҳаракати, интилиши менга ёқди. Яна шуни очиқ айтишим керакки, «Пахтакор»дан узоқ вақтдан бери орзу қилиб келган «ўчимиз»ни олдик. Шу билан бирга, командангизга муваффақиятлар тилаймиз.

Аслини олганда «Пахтакор» майдонда жуда бўш ҳаракат қилди, ҳимоячилар билан ҳужумчилар бир-бирларини тушунмадилар. Ўйинда ажралиб турган Каҳҳоров билан Красницкийга шериклари яхши ёрдам беролмадилар, улар бошларган ва ўйлаб топган комбинацияларнинг бошқа футболчиларнинг тушунмаслиги натижасида барбод бўлди. Буларнинг ҳаммаси «Пахтакор»нинг чемпионатга пухта тайёргарлик кўрмаганидан, албатта... Ахир, республика спорт жамоатчилиги «А» классдаги командаларни Ўзбекистонга таклиф қилиб, мавсум олди машқларини шу ерда ўтказишни илтимос қилган эди. Командаларнинг старший тренери А. Келлер мухбирларга берган интервьюсида ҳам «Шахтёр»нинг бир ойдан бери Ўзбекистонда эканлигини, футболчилар Тошкент иқлимига мослашиб олганлигини айтган эди. Об-ҳаво шароити жуда қулай келган бир пайтда «Пахтакор»нинг Тошкентни ташлаб Кисловодскка йўл олишининг нима кераги бор эди. Бунинг устига, у ерда ҳаво ноқулай келди. Буларнинг ҳаммаси «Пахтакор»нинг биринчи ўйинида яққол сезилиб турди. Шундай бўлса ҳам биринчи ўйиндан катта хулосалар чиқариш ярамайди. Асосий «жанг»лар олдинда турибди. Команда раҳбарлари бутун имкониятни ишга солиб, навбатдаги ўйинларда кескин бурилиш ясайдилар, деб ўйлаймиз.

* * *

Биринчи турда бўлиб ўтган қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск) 4:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Зенит» (Ленинград) 4:0, армия спорт клуби (Ростов-Дон) — «Динамо» (Москва) 0:0, «Молдова» (Кишинев) — «Локомотив» (Москва) 0:0, «Авангард» (Харьков) — «Спартак» (Москва) 1:4, «Торпедо» (Кутаиси) — «Крылья Советов» (Куйбишев) 1:1, «Гайрат» (Олмаота) — «Динамо» (Ленинград) 2:0, «Нефтяник» (Боку) — Армия марказий спорт клуби (Москва) 0:1, «Арарат» (Ереван) — «Торпедо» (Москва) 0:1.

В. МАҲКАМОВ.

Ўйин жанговарлик билан бошланиб осойишта тугади

«Рост, жанг қизғин бўладиганга ўхшайди,— деди гроссмейстер Смислов ўйин намойиш қилиб турилган тахтага қараб. Жаҳоннинг собиқ чемпиони бугун Ботвинник билан Петросян матчида биринчи марта қатнашялти (шу чоққача у бетоб эди). Шу сабабдан бўлса керак, Москвада меҳмон бўлиб турган голландиялик гроссмейстер Макс Эйве юртига жўнаб кетгандан кейин ҳам, матчни кузатаётган собиқ чемпионлар сони камайгани йўқ. Бошқа бир собиқ чемпион — Михаил Таль ҳам курашнинг бошланишида мамнун эди.

Ҳўш бугун ўйналган тўртинчи партия қандай ўтди?

Ботвинник тўққизинчи юришдаёқ қўққисдан бир сипоҳини қурбон қилди. Бундан аввалги биронта партиянинг бошланишида кураш ана шундай кескин ўтмаган эди.

Қора доналар билан ўйнаган Петросян ўз шоҳига хатарли таҳдид солинаётганлигини назарда тутиб, жаҳон чемпионининг қийлакорлик билан тутган иъломини қабул қилмади. Тахтада яна доналарнинг мувозанати вужудга келди. Лекин оқ доналарда маълум ташаббускорлик бор эди. Жаҳон чемпиони бундан яхшироқ фойдалана олмади шекилли, Петросянга ўз позициясини мустаҳкамлаш имкониятини бериб қўйди.

22-юришда Ботвинник ўйинни соддалаштирди. Ваҳоланки Смисловнинг фикрига қараганда, у кескинликни сақлаб қолиши мумкин эди. Қора доналарнинг 24-юришидан кейин кўпгина томошабинлар учун кутилмаган ҳолда, Ботвинникнинг таклифига биноан ўйин дуранг деб топилди.

Матч ҳисоби Ботвинник фойдасига 2,5:1,5 бўлди.

Навбатдаги, бешинчи партия 1 апрелда ўйналди. Петросян оқ доналар билан ўйнади.

Л. ПОЛУГАЕВСКИЙ,
Халқаро гроссмейстер, ТАССнинг шахмат обзорчиси.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент халқ хўжалиги институти

сиртқи факультетининг 1-курсига қуйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саноат экономикаси;
Меҳнат экономикаси;
Қишлоқ хўжалиги экономикаси;
Халқ хўжалигини планлаштириш;
Молия ва кредит;
Статистика;
Бухгалтерия учети (саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдо ва банка системасида).

Ўқиш муддати 5 йил.

Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари, Совет Армияси сафида хизматни ўтаб келганлар ва ўқиш учун танланган ихтисос бўйича ишлаётганлар институтга кириша имтиёзга эга бўладилар.

Кирувчилар: рус тили ёки ўзбек тили ва адабиёти (ёзма), математика, СССР тарихи ва география фанларидан имтиҳон топширадилар.

Аризалар 25 июлгача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), автобиография, 4 та фотокарточка (3×4), иш жойидан характеристика—тавсиянома, соглиги тўғрисида справка.

Кириш имтиҳонлари 15 кайдан 31 июлгача ва 1 октябрдан 20 октябргача ўтказилади.

Адрес: Тошкент, Арпапоя кўчаси, Қирқгул проезди, 15-а.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1963-64 ўқув йилига дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади ган факультетлар сиртқи бўлимининг биринчи ва юқори курсларига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Физика-математика (рус, узбек ва қозоқ тилларида), тарих-филология (узбек ва қозоқ тилларидаги тил ва адабиёт бўлимларига), бошланғич таълим методикаси, мактаб ва мактабгача бўлим (мактаб бўлими қозоқ тилида ҳам бор), табиият-география (биология ва география бўлимларига), кутубхонашунослик ва библиография, рус тили ва адабиёти факультетларига.

Ҳужжатлар 31 майгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 5 июндан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: ректор номига ариза ва таржимаи ҳол, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси ёки копияси), 4 та фотосурат (3×4), яшаб турган жойидан справка, меҳнат дафтарчасининг копияси, медицина справкаси (286-форма), иш жойидан характеристика ва йўлланма.

Ўқитувчилар институтларини битирган ва халқ маорифи органларида ишлаётган кишилар институтнинг III курсига, олий маълумотли, аммо педагогик маълумоти бўлмаган кишилар IV курсга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин, Тошкент, Педагогическая кўчаси, 103-уй. Сиртқи бўлимнинг қабул комиссияси.

Тошкент политехника институти

1963 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

(сиртдан ва қатнаб ўқилади).

Аналитик химия, органик химия, физик химия (қатнаб ўқилади), полимер материалларини кайта ишлаш технологияси, химиявий технология процесслари ва аппаратлари (қатнаб ўқилади), силикатлар технологияси, механизмлар, автоматик линиялар ва машиналар назарияси, машинасозлик технологияси, кузов ишлаб чиқариши машиналари, асбобсозлик ишлаб чиқариши ва механик ишлаш назарияси, автомобиллар ва трактолар, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш металшунослик ва термик ишлаш, автомобиль транспорти, халк хўжалигининг экономикаси, ташкил килинишни ва планлаштириш, геохимия, гидрогеология (қатнаб ўқилади), петрография ва минералогия, геология ва руда казилмалари конларининг разведкаси, геология ва қатик ёкилғи казилмалари конларининг разведкаси, геология ва нефть ҳамда газ конларининг разведкаси, палеонтология ва стратиграфия, қурилиш, йўл ва кўча машиналари ҳамда ускуналари, асослар ва пойдеворлар (қатнаб ўқилади), сув билан таъминлаш ва канализация, қурилиш материаллари, деталлар ва махсулотлар, гидротехника иншоотлари, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологияси, архитектура, электр машиналар, электр курилмалар, электроэнергетика, электр аппаратлари ва электр ўлчовчи техника, иссиқлик техникасининг физик асослари, электроэнергияни узатиш, гидроэнергетик қурилмалар, олий математика, кўмир, руда ва норуда конларни очиқ усулда ишлаш, кўмир ва руда конларини ер остида ишлаш (қатнаб ўқилади), нефть ва газ конларини ишлаш (қатнаб ўқилади).

Аспирантурага қабул қилиш учун аризалар ректор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар кўшиб топширилади:

Кадрларни ҳисобга олиш листи ва 2 та фотосурат, автобиография, кейинги иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги дипломнинг нотариус томонидан тасдикланган копияси ва зачет ведомостидан кўчирма (дипломга илова), соглиги ҳақида справка, меҳнат дафтарчасининг нусхаси, эълон қилинган илмий ишлари, ихтиролари ҳақида гувоҳномалар. Илмий ишлари бўлмаган кишилар илмий докладлар (реферат) тақдим этадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага аризалар 1 майгача ва 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 майдан 15 июнгача ва 15 октябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Аспирантурага кирувчилар махсус фандан, КПСС тарихидан ва чет тилларининг биридан имтиҳон топширадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент, Я. Колас кўчаси, 16-уй, 10-хона. Тел. 3—08—18.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

ДЕНОВ ЁФ-ЭКСТРАКТ ЗАВОДИГА

контроль-ўлчов асбоблари цехи бошлиғи вазифасига ишлаш учун **инженер** (ёки 3 йиллик стажли практик), қозон-турбина зали бошлиғи вазифасига **инженер** (ёки камида 5 йиллик стажи бўлган техник), смена бошликлари вазифасига **инженерлар** ёки техниклар (ёки икки йиллик стажи бўлган практиклар, буғ-қозон старший машинистлари, турбина старший машинистлари

керак

Қабул қилинганлар уй-жой билан таъминланади. Йўл чиқимлари меҳнат қонунларига мувофиқ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-уй, Озиқ-овқат саноати бошқармаси:

Сурхондарё область, Денов шаҳри.

Ўрта Осиё иқтисодий районининг

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМИТЕТИГА

инженерлар: қурувчилар, экономистлар, механиклар, старший бухгалтерлар, молиячилар, русча машинистқалар ва стенографистқалар

КЕРАК

Бошқа жойлардан келган мутахассислар уй-жой билан бир йил ичида таъминланади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 17-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗГИПРОСЕЛЬСТРОЙ»ГА

Сурхондарё филиалида (Термиз шаҳрида) ишлаш учун:

филиал бошлиғи, лойиҳа бош инженерлари, группа раҳбарлари, лойиҳачи инженерлар: архитекторлар, қурувчилар, сантехниклар, электриклар

керак

Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 97-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ КЎЧИРИБ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛИЙ ТАРТИБДА ИШЧИ ТУПЛАШ БЎЛИМИ

Магадан балиқчилик трести корхоналарида, Иркутск область, Қўриқ ўлка ва Узбекистон ССР қурилишларида ишлаш учун ҚУРИЛИШ МУТАХАССИСЛАРИ ВА ИШЧИЛАР

қабул қилади

Мурожаат учун адрес:

Тошкент шаҳрида — Привокзал кўчаси, 13-уй ва Ҳамза кўчаси, 10-уйда.

Янгийўл шаҳрида — Ленин кўчаси, 7-уйда.

Оҳангаронда — Оргнабор.

46-АВТОБАЗАГА

шоферлар ва қоровуллар

керак

Етоқ билан таъмин қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Генерал Петров кўчаси, 319-уй (20-автобуснинг «2-автопарк» остановкаси).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЕҚИЛҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИНСТИТУТИГА

теплоэнергетик, конструктор, металлург инженерлар, шунингдек металлург техниклар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе поселкаси, Академгородок, телефон 6-24-...

Дзержинский номли ФАРҒОНА ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар ва ровничницалар

керак

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Фарғона шаҳар, 25 Октябрь кўчаси, 1-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗГИПРОНЕФТЬ»ГА

инженерлар, нефть хўжалиги ускуналарига доир механиклар, санитехниклар, қурувчилар, нефть ва газ конларини эксплуатация қилувчи инженерлар

керак

Мурожаат учун адрес: Қўқон шаҳар, Совет кўчаси, 67-уй.

ОФСЕТ ПЕЧАТЬ ФАБРИКАСИГА

полиграфия ускунасини билган **наладчик-механиклар, электромонтёрлар**

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Полиграфия кўчаси, 86-уй.

УЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ АВТОТРЕСТИНИНГ АВТОБАЗАСИГА

шоферлар, автослесарлар, токарлар, электриклар, пайвандчилар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, (Асфальтбитум заводи, 14-автобуснинг охирги остановкаси), ёки Навоий кўчаси, 22-уй, Автотрест, телефон 4-07-72, 4-07-50.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

Ҳ. М. Абдуллаев номли ГЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

эндоген рудали конлар лабораториясининг вакант мудири вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда геология-минералогия фанлари доктори ёки кандидати деган илмий даражаси ва кўп йиллик илмий стажи бўлган кишилар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 13/IV гача. Ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Братск кўчаси, 33-уй.

КОНКУРСЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

иқтисодий таълимотлар тарихи ва халқ хўжалиги тарихи, учёт ва ҳисоблаш ишларини механизациялаш, ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги экономикаси кафедраларининг вакант мудирлари (профессор, фанлар доктори, доцент, фанлар кандидати) вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ариза бериш муддати—19/IV гача. Конкурсда қатнашиш ҳақидаги ариза ва тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Арпапоя кўчаси, Қирқгул тупик, 15-а уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ГЕНЕТИКА ВА ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

маданий ўсимликдар экологияси, ўсимликлар биохимияси лабораторияларининг вакант старший илмий ходимлари вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган мутахассислар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 1 ой.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Лучарский поселкаси, Академгородок.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

Ҳ. М. Абдуллаев номли ГЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

эндоген рудали конлар лабораториясининг вакант мудири вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда геология-минералогия фанлари доктори ёки кандидати деган илмий даражаси ва кўп йиллик илмий стажи бўлган кишилар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 13/IV гача. Ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Братск кўчаси, 33-уй.

ТОШКЕНТ ГРАЖДАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда номи бир-бирига ўхшаш ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, бир хил номдаги кўчалар кўп. Бу эса уларнинг адресига келаётган почталарни ажратиш ва ўз вақтида етказиб беришда анча қийинчилик туғдирмоқда.

Тошкент почтамти

ГРАЖДАНЛАРДАН, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИДАН ХАТЛАР, БАНДЕРОЛЛАР, ПОСИЛКАЛАР, ПЕРЕВОДЛАР ВА ТЕЛЕГРАММАЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИДА ПОЧТАНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН АЛОҚА БЎЛИМИНИНГ НОМЕРИНИ ВА ТУЛА АДРЕСНИ КУРСАТИШЛАРИНИ СУРАЙДИ.

Масалан:

Москва, 8-147
Кутузов кўчаси, 145, 30 кв.
Михайлов Геннадий Ивановичга.

Қайтариладиган адрес, Тошкент-15, Кафанова кўчаси, 17, 3 кв. Алексеев Н. Л.

Мархамат қишлоғи Андижон области, Марҳамат райони, 2-нефть базаси.

Қайтариладиган адрес: Тошкент-47, К. Маркс кўчаси, 31, «Узглавнефтеснаб».

Телеграммалар жўнатилганда алоқа бўлимининг номери кўрсатилганлиги учун жўнатувчидан ҳақ олинмайди.

Адресида алоқа бўлинмасининг номери кўрсатилмаган почта кўпинча бир кеча-кундуз ва ундан ортиқроқ муддатда кечиктириб етказилади.

Агар сизга қайси алоқа бўлими хизмат кўрсатаётгани номаълум бўлса, буни сиз корреспонденция олиб келувчи почтальондан аниқлаб олишингиз мумкин.

Адресни равшан ва аниқ ёзингиз.

Почта узоқ масофаларга тезроқ етиши учун корреспонденцияларни авиапочта орқали жўнатингиз.

Тошкент почтамти.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиКИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

хроникал ҳужжатли фильмлар чиқаради

Совет Иттифоқи тинчлик учун ва барча мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун курашда:

Тинчлик ва социализм учун.
Л. И. Брежневнинг Югославияга жавоб визити.
Дунё қил учида турганда.
Космонавт-2 АҚШда.
Аккрадаги выставкада.

Тарихий-революцион темаларда:

Россиянинг ёдидан чиқмайди сира.
Жек, бу иш арзигулик эди!
Дмитрий Фурманов.
Тоғларида олтин қазиладиган жойларда.

Чет эл мамлакатлари ҳақида: (Маданият, турмуш, халқаро алоқалар):

Кипр.
Канадаликлар қуйлайди.
Америка балети Москвада.

Табиий-илмий ва илмий-атеистик билимлар пропагандаси тўғрисида:

Икки дунёнинг чегарасида.
Кашф этилмаган ер.
Бўшлиқда ориентация қилиш.
Фореллар ҳаётидан.
Халқ академиклари.
Ўсимликларнинг ўзига хос ҳаракати.
Мовий қўриқ.
Бўшлиқ ҳақида ҳикоя.

Ёш авлод ҳақида:

Қуёш, ёмғир ва қулгу.
Карабановлар.
Ҳамма нарса велосипеддан бошланди.
Инсон яшай бошлади.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида:

Қуёш хазинаси.
Кишилар, сизларга!
Чўчқабоқар Белаш ҳақида ҳикоя.
Машиналар — далаларга!
Бир йилда икки ҳосил.
Қўриқ ўлка маёғи.
Қўриқ ерларда ҳосил поток усулда йигилади.
Энди бизда «Арча» қўлланилянти.
Бактериал ўғитлар.
Дўстнинг елкаси.
Карбамид — чорвачиликка.
Химия — боғлар муҳофазачиси.

Социалистик саноат ҳақида:

Яхши аланга.
Биз — муромскликлармиз.
Рангдор металларни иқтисод қилиш учун.
Косинус-фи билан танишинг.

Медицина, физиология ва санитария-оқартуви ҳақида:

Ҳужум давом этмоқда.
Оптимистик этюдлар.

Физкультура ва спорт ҳақида:

Тўп сетка устида.
Ўнинчи юбилей ўйини.
Дунёнинг энг кучли штангистлари.
Белград стартлари.
Автомобилчилар старт олишди.
Нишонга отишни ўрган.
Танишинг — Картинг.

Жонажон ўлка ҳақида:

Ёкутия баҳори.

„Узювелирторг“ магазинларига

«ЮВЕЛИРТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ СОАТЛАРНИ НАСИЯГА БЕРИШ УЧУН ЖОЙЛАРГА ЧИҚИБ БОРАДИЛАР

«УЗЮВЕЛИРТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРДА БОРДИР:

Тошкент шаҳрида:

К. Маркс кўчаси, 29-уйда, телефон 3-28-62, Навоий кўчаси, 1-уйда, телефон 2-93-25, Октябрь, Олой ва Госпиталь бозорларида.

Бошқа шаҳарларда:

Қўқонда — Совет кўчаси, 28-уйда, телефон 1-31.
Фарғонада — Ленин кўчасида, телефон 8-04.
Андижонда — Ленин кўчасида, телефон 5-59.
Наманганда — Совет кўчасида, телефон 0-86.
Маргилонда —Колхоз бозорида.
Самаркандда — Ленин кўчасида, телефон 3-31-84.
Бухорода — 2-пассажда, телефон 26-82.
Термизда — Фестиваль кўчасида, телефон 31-91.
Қарши — Ленин кўчасида, телефон 1-87.
Қаттақўрғонда — телефон 1-87.
Чирчиқда — Совет кўчасида, телефон 1-87.

«Ювелирторг» магазинларини келиб кўринг!

Насияга заргарлик буюмлари ва соатлар сотиб олинг!

«Ювелирторг» ходимлари дидингизга мос келадиган заргарлик буюмларга ва соатларни танлаб олишда ёрдам беради.

ЭРКАК ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

ташқи томондан турлича безатилган, зарҳал ва хром корпусли, сув ўтмайдиган, зарбга чидамли

ЯНГИ ХИЛ

ҚЎЛ СОАТЛАРИ,

ДЕВОР СОАТЛАРИ (ЗАНГ УРАДИГАН), СТОЛ СОАТЛАРИ ВА ЧУНТАК СОАТЛАРИ ҲАМ КЕЛТИРИЛДИ

Харидорларга яхшироқ хизмат кўрсатиш ва уларга қулай бўлсин учун

«ЮВЕЛИРТОРГ»НИНГ ҲАММА МАГАЗИНЛАРИДА

ҳар тур ва маркали

СОАТЛАРНИ НАСИЯГА БЕРИШ УЮШТИРИЛГАН

Харидорлар насияга берилган соатларнинг пулини олти ой ичида иш ҳақларидан аста-секин тўлаб тугатадилар.

Жамоатчиликнинг ҳамда ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларининг истагига мувофиқ.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАН ЧЕЛЯБИНСККА

душанба, чоршанба, жума, якшанба кунлари

«ИЛ-18» САМОЛЕТЛАРИ

қатнайди

Учиш давоми — 3 соат, билет ҳақи—30 сўм.

ТОШКЕНТ—ЕРЕВАН ОРАСИДА

Янги ҳаво линияси очилди

Бу линияда (Ашхободда посадка қилинади) «ИЛ-18» самолётлари учади (душанба ва пайшанба кунларида).

Учиш давоми — 5 соату 50 минут, билет ҳақи—40 сўм.

Турбо-реактив самолётларда юқат белул бўлиб, 30 килограммча багажни ҳам белул олиб бориш мумкин.

Аэрофлот хизматидан фойдаланинг!

Маннон Уйғур кўчаси, 146-уйда турувчи **Раҳмон Икромовнинг** Жараҳий кўчаси, Матлубот проезд, 1-участкада турувчи Маргуба Икромова (Рафурова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Оқтепа массив, Есенин кўчаси, 13-уй, 5-квартирада турувчи **Стелла Павловна Городецкаянинг** шу уйда турувчи Владимир Хаимович Городецкийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Штапель кўчаси, 34-уйда турувчи **Маъфират Йўлдошеванинг** Чилонзор массив, 7-сектор, 37-уй, 13-квартирада турувчи Эргаш Йўлдошевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Маннон Уйғур кўчаси, Иттифоқ проезд, 11-уйда турувчи **Фозил Холматовнинг** Бешёғоч кўчаси, 230-уйда турувчи Ўлмас Холматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

1-Пушкин проезд, 3-уйда турувчи **Геннадий Владимирович Насальнинг** Полторацкий кўчаси, 2-уй, 6-квартирада турувчи Кира Николаевна Тоболинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район, К. Маркс қишлоқ Советидаги «Ленинизм» колхозида турувчи **Йўлдош Шерғозиевнинг** Калинин район, Келес станцияси, Чкалов кўчаси, 153-уйда турувчи Зарифа Шерғозиева (Юсупова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Тинчлик кўчаси, 3-проезд, 32-уйда турувчи **Анатолий Данилович Науменконинг** Боку шаҳар, Сумгаит станцияси, 1-уй, 2-квартирада турувчи Лариса Петровна Науменкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Новомосковская кўчаси 17-уй, 5 квартирада турувчи **Владимир Александрович Каприелов**нинг Киев кўчаси, 3-линия, 26-уйда турувчи Эмма Карповна Кулаянидан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 116-уйда турувчи **Иван Романович Пономарёвнинг** Комсомольск заАмуря шаҳрида турувчи Нина Петровна Ярочкинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чақирчмон кўчаси, 20-уйда турувчи **Эркин Ҳидоятовнинг** Маориф проезд, 17-уйда турувчи Манзура Ҳидоятова (Собировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Коробов кўчаси, 16-уйда турувчи **Дилбар Собитжоновна Собированинг** Челночная кўчаси, 10-а уйда турувчи Ринат Шомухторович Шомаҳмедиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Учительская кўчаси, 40-уйда турувчи **Борис Дмитриевич Хлебниковнинг** 3-Урицкий кўчаси, 3-уйда турувчи Александра Никитична Шелёвадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Большевик кўчаси, Қизилтамға тупик, 7-уйда турувчи **Ҳожиакбар Ортиқовнинг** Профсоюз кўчаси, 14-уйда турувчи Тўхта Абдуқодировна Ортиқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Мевазор кўчаси, 6-уйда турувчи **Махамадхўжа Ахмадхўжаевнинг** шу уйда турувчи Жўра Ахмадхўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Олмазор кўчаси, Шелкомотальний проезд, 43-уйда турувчи **Исмоил Исроилевич Расулевнинг** Қорасарой кўчаси, 72-уйда турувчи Маргуба Сатторовна Расулева (Маинонова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

РАДИО

2 АПРЕЛДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталиги. 8.25 — Концерт (Ўзбекистон радиоси солистлари ижросида). 9.50 — Гуллаб-яшнаётган ўлка (тожик тилида суҳбат). 10.10—«Рост» мақомидан парчалар. 11.20 — Концерт (Ўзбек эстрадаси артистлари ижросида). 12.30 — Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар. 13.30 —Концерт (Б. Карамишев раҳбарлигидаги чолғу ансамбли ижросида). 15.35 — О. Тактакишвилининг «Миндия» операси (суҳбатли концерт). 16.15 — Узоқ умр кўриш ҳақида (Ўзбек тилида врач суҳбати). 17.40 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (Ўзбек тилида). 18.05 — Музиканинг қандай тинглаш ва тушуниш керак (Ўзбек тилида). 18.30 — Совет композиторлари асарлари. 19.20 — Концерт (қорақалпоқ куйларидан). 20.00 — Вал ва сифат (рус тилида). 20.10 — Концерт (Александров номли ашула ва рақс ансамбли ижросида). 20.45 — Резервлар ҳамма жойда ҳам бор (Ўзбек тилида репортаж). 22.05 — С. Я. Маршак («Ленин мукофоти номзодлари» циклидан, рус тилида). 22.25 — Халқ қўшиқлари кечаси. 23.15 — Концерт (студентлар талабига мувофиқ).

Иккинчи программа: 19.00 — Концерт (Глазунов асарларидан). 19.30 — О. Ёқубовнинг «Бир фельетон тарихи» повестидан парча («Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари» циклидан). 20.10—Енгил куйлар. 20.45—Қўриқ ердаги совхознинг иккинчи баҳори (рус тилида очерк). 21.00—Концерт (тожик халқ куйларидан). 21.30 — Шарқ халқлари куйлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан— **Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари,** эшиттиришдан кейин — **Сўнгги ахборот** (Ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Тошкент телевидение студияси эшиттиришлари. **Телевизион янгиликлар** (Ўзбек ва рус тилларида). 18.20 — **Балтина осмони** номли бадиий фильмнинг иккинчи сериями (Фрунзе телевидение студиясидан). Тошкент телевидение студиясидан 19.35 — **Жаҳоннинг энг кучли штангачилари** (ҳужжатли фильм) ва **Шуҳрат ҳалқаси** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV-да **Севилья сартароши,** 3/IV да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV-да **Тобутдан товуш,** 3/IV да **Номус.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Икки билагузук,** 3/IV да **Алпомиш.**

КИНО

Каролина Риексная — «БАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Асп билан юриш — «МИР», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Йўллар ва тақдирлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қуёш, ёмғир ва табассум — «КИНОЛЕКТОРИЙ» (кундуз соат 2, 3-10, 4-20 ва кеч 9 яримда).

Жунгли ўт ичида — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда).

3 апрель кеч соат 7 да, Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида

ЛЕКЦИЯЛАР

1. **«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиш структураси ва фаолияти».** Лектор — Ўзбекистон ССР Илмий текшириш ишларини координациялаш давлат комитетининг раиси Ғани Султонов.

2. **«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди ва унинг тарихий аҳамияти».** Лектор — тарих фанлари кандидати К. Н. Аюпов.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

2, 3 апрелда

Ўзбекистон ССР халқ артисти

КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

3 апрелда

ЯНГИ АТТРАКЦИОН

Анатолий Сокол

ЎЗ ЕРДАМЧИСИ—ЭЛЕКТРОН. МЕХАНИК КИШИ «РОБОТ» БИЛАН.

Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283, Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06299. Индекс 64543. Нашр. № 78.